

**“Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

15.03.2019 йил, соат 11-00

*Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри,
“Ипак йўли” кўчаси, 170-уй,
жамият мажлислар зали*

Қимматли қогозлар марказий депозитарийси томонидан 11.03.2019 йил ҳолатига ёпилган жамият акциядорларининг реестрига кўра, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖнинг 943 030 дона овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялари мавжуд бўлиб, улар 237 та акциядорларнинг улушини ташкил этади.

Мажлисда қатнашганлар: Реестр бўйича 884 900 дона акцияларнинг эгалари бўлган 34 та акциядорлар:

- O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi номидан 11.03.2019 йилдаги №435/02-19-сонли ишончнома асосида М.Султонов – 481 000 дона ёки 51,01 фоиз акция эгаси;

- “TRESTON HOLDINGS L.L.C.” компанияси номидан вакили Ядгарходжаев Сайдамин Паспорт №АА6487426 берилган вақти 09.08.2014 йил 01.03.2019 йилда берилган ишончномага асосан – 355 870 дона ёки 37,74 фоиз акция эгаси;

- “Китоб агрофирма” номидан Бурхонов Зариф – 11 920 дона ёки 1,26 фоиз акция эгаси;

- 31 та жисмоний шахслар – 37 080 дона ёки 3,93 фоиз акция эгалари.

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқарув раиси С.Рузиев ва бошқарув аъзолари, жамият ишчи ва ходимлари (рўйхат бўйича).

Ташкилий масалалар: Саноқ комиссияси раиси А.Худойкулов мажлисининг очилиши олдидан 884 900 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатдан ўтганлигини ва кворум 93,83%ни ташкил этишини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ҳуқуқий деб ҳисобланиб, мажлисни очиқ деб эълон қилди.

1. М.Султонов O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi йиғилиш раиси.

Мажлис раиси этиб М.Султонов, котиб этиб Р.Шариповни сайлаш, мажлисда кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш, овоз бериш тартиби бюллетенлар орқали ўтказилиши таклифи берилди.

Ушбу таклиф йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби:

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш;
2. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш;

“Шахрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари ўтказилаётган умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси М.Султонов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши регламентини ўқиб эшиттирди.

Мажлис регламенти қўйидагича:

Кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича 5 дақиқадан, музокораларга 2-3 дақиқадан вақт берилишини ва йиғилишни танаффуссиз яқунлашни таклиф этди;

Савол ва жавоблар – 3 дақиқадан;

Овозга қўйиш ва овоз бериш учун – 5 дақиқа;

Йиғилиш учун ажратилган вақт танаффуссиз 1 соат оралиғида;

Бериладиган саволлар ёзма ёки оғзаки берилиши мумкин.

1. Кун тартибининг биринчи масала “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси М.Султонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2019 йилдаги ПФ-5656-сонли фармониغا асосан, “Ўзшаробсаноат” АЖни тугатиш орқали “Ўзшаробсаноат” АЖнинг ташкилотлардаги улушларини, шу жумладан “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ устав капиталидаги 51,01 фоиз улушни Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш белгиланганлиги сабабли “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар сайлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-модасига асосан “Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиларига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақлилиги, шунингдек акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) тафсия қилинган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақлилиги белгиланганлигини маълум қилди.

“Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ навбатдан ташқари умумий йиғилишига йирик акциядорлар томонидан Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар юзасидан тавсиялар ва таклифлар келиб тушганлигини таъкидлаб ўтди ва кузатув кенгаши аъзолигига акционерлар томонидан қуйидаги номзодлар тавсия қилинганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 25.02.2019 йилдаги 133/01-29 сонли хати билан: (Хат илова қилинади)

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ахмедов Шарофиддин Шодимуродович

2. Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи Маматов Шавкат Куванович

3. Марказий депозитарий бош директори Абдужабборов Шерали Янгибаевични

“TRESTON HOLDINGS L.L.C.” 26.02.2019 йилдаги 03-ШВЗ/02-сонли хати билан: (Хат илова қилинади)

1. Каримов Турсун Махмудович – “Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “Чарос-Малика” ХК тижорат агрофирмаси раҳбари.

2. Ядгарходжаев Сайдамин Сайфуллаевич - “Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “UNITECH” МЧЖ ҚК бош директори

Шундан сўнг Кузатув кенгаши аъзолигига қўйилган номзодлар тўғрисида қисқача маълумотлар бериб таништирди.

Йиғилиш раиси овоз бериш бюллетенига номлари кўрсатилган номзодлар жамият Кузатув кенгаши таркибига кумулятив овоз бериш асосида сайланиши тўғрисида акциядорларга яна бир бор эслатиб ўтди.

Йиғилиш раиси М.Султонов йиғилиш кун тартибида кўрилган масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларидан бюллетенлар орқали кумулятив тартибда овоз беришларини сўради.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

№	Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи	Номзодга берилган овозлар сони
1	Ахмедов Шарофиддин Шодимуродович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари	811794
2	Маматов Шавкат Куванович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи	811792
3	Абдужабборов Шерали Янгибаевични	Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи	811652
4	Ядгарходжаев Сайдамин Сайфуллаевич	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “UNITECH” МЧЖ ҚК бош директори	959342
5	Каримов Турсун Махмудович	“Treston Holdings LLC” компанияси вакили, “Чарос-Малика” ХК тижорат агрофирмаси раҳбари	959342

2. Кун тартибининг иккинчи масала “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси М.Султонов сўзга чиқиб, “Шаҳрисабз вино-ароқ” АЖ жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига акцияонерлар томонидан қўйидаги номзодлар тафсия килинганлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 25.02.2019 йилдаги 133/01-29 сонли хати билан: (Хат илова қилинади)

1. Қашқадарё вилоят Давлат рақобат бошқармаси бўлим бошлиғи Бутаёров Суён Салимович
2. Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи Намазов Алишер Абдихалилович

“TRESTON HOLDINGS L.L.C.” 26.02.2019 йилдаги 03-ШВЗ/02-сонли хати билан: (Хат илова қилинади)

1. Разыкова Шахноза Заиджановна

Шундан сўнг Тафтиш комиссияси аъзолигига қўйилган номзодлар тўғрисида қисқача маълумотлар бериб таништирди.

Йиғилиш раиси М.Султонов кун тартибида кўрилган ушбу масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларидан бюллетенлар орқали умумий тартибда овоз беришларини сўради.

Ушбу таклиф жамият акциядорлари ўртасида муҳокама қилиниб овозга қўйилди.

Бутаёров Суён Салимович

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – (501 609 та) овоз; “Қарши” – (386 460 та) овоз; “Бетараф” – (0 та) овоз.

Намазов Алишер Абдихалилович

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – (501 609 та) овоз; “Қарши” – (386 460 та) овоз; “Бетараф” – (0 та) овоз.

Разыкова Шахноза Заиджановна

Овоз бериш натижаларига кўра: “Тарафдор” – (386 460 та) овоз; “Қарши” – (501 609 та) овоз; “Бетараф” – (0 та) овоз.

Кун тартибидаги масалалар куриб чиқилиб йиғилиш қатнашчилари билан муҳокама қилиниб

**“Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти акциядорларининг
умумий йиғилиши қўйидагича
Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзолари этиб кумулятив овоз бериш натижаларига кўра Ш.Ш.Ахмедов, Ш.К.Маматов, Ш.Я.Абдужабборов, Т.М.Каримов ва С.С.Ядгархаджаевлар сайлансин.

2. “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ тафтиш комиссияси аъзолари этиб С.С.Бутаёров, А.А.Намазов ва Ш.З.Разыковалар сайлансин.

Шундан сўнг йиғилиш раиси М.Султонов жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини ва унда иштирок этган барча йиғилиш қатнашчиларини ҳам эътирози йўқлиги ва қатнашганларга ўз миннадорчилигини маълум қилиб, “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси



М.Султонов

Йиғилиш котиби



Р. Шарипов

Баённома имзоланган сана: 18.03.2019 йил.